



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 168 (12.479)


Баҳоси эркин нарҳда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида «Тошкент-Марказий» темир йўл бекатига учта янги юк ташувчи «O'ZEL» электровози келиб тўхтади.



ЯНГИ ЭЛЕКТРОВАЗЛАР: ЮКСАК СИФАТ ВА ЮҚОРИ ТЕЗЛИК

Янги юк ташувчи электровазларнинг тақдирот маросимида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, турли вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий компаниялар, дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда магистраль йўллар орқали Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғлаб турган мамлакатимиз катта транспорт-коммуникация ҳамда транзит салоҳиятига эгадир. Истиқлол йилларида янги темир йўл линиялари, замонавий вокзаллар қурилиб, фойдаланишга топширилди, мавжуд ҳамда янги темир йўллари электрлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди. Локомотивлар ва юк ташувчи вагонлари паркинни янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О.Раматовнинг сўзларига кўра, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ўн битта электровазнинг харид қилиниши мамлакатимиз темир йўл тармоғини ривожлантиришнинг мантиқий давоми бўлди. Янги электровазлар Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик доирасида харид қилинмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 47,3 миллион долларни ташкил қилади. Юк ташувчи электровазлар CNTIC

консорциуми – Даянь электроваз-созлик заводи (ХХР) томонидан етказиб берилмоқда. Учта янги электроваз Тошкентга етиб келди. Қолган саккизтасини «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси шу йилнинг охиригача олади.

Мазкур компаниядан маълум қилишларича, электровазларни етказиб берувчи компанияни танлашда электровазлардан фойдаланиш, уларга техник хизмат қўйиш ва таъмирлаш ҳамда паркиннинг бирхиллигини сақлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон ва Хитой мутахассисларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари самарасида қисқа муддатда локомотивларнинг умумий тузилиши, бошқарув микропроцессор тизими, кузови, пневматик тормоз тизими, юк тортиш электр двигателлари ва ўзгартиргич мосламалари, хавфсизлик тизими, шунингдек, уларга Ўзбекистонга етказиб берилгач, хизмат кўрсатиш масалалари ҳал этилди.

Томонлар ҳамкорлигида ишлар якуни бўйича лойиҳалаштирилган юк ташувчи электровазларнинг қувватини 6000 кВтдан 7200 кВтга, юк тортиш кучини 450 кНдан 490 кНга кўпайтириш ва тезлик давомилигини соатига 53 километр этиб белгилаш билан боғлиқ техник хусусиятларини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, электровазнинг батафсил лойиҳаси, заводда синаб кўриш масалалари, уларнинг якуний дизайни ва Ўзбекистон Республикасида электровазларни синовдан ўтказиш шартлари келишиб олинди.

– Янги электровазлар Ўзбекистонлик шериклар билан яқин ҳамкор-

лик натижасида қисқа муддат ичида етказиб берилди, – деди Даянь электровазсозлик заводи бош директорининг ўринбосари Чжу Чжи-юн (ХХР). – Шунинг билан мазкур электровазлар энг юқори техник хусусиятларга эга бўлиб, дунёнинг 20 давлатига экспорт қилинмоқда. Биз Ўзбекистон темир йўл компанияси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Етказиб берилган электровазлар тоғли жойларда, яъни электрлаштирилган Мароқанд – Қарши – Термиз темир йўл участкаларида фойдаланиш учун мослаштирилган. Улар бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга: рекуператив тормозлаш ускуналари ўрнатилгани боис электр энергия сарфини 5 фоиздан 8 фоизгача тежайди, экологик хавфсизлик бўйича замонавий халқаро талабларга жавоб беради, «Toshiba» (Япония) компаниясида ишлаб чиқарилган, экологик тоза асинхрон электр двигателлари, носозликларни таҳлил қиладиган микропроцессор тизими билан жиҳозланган, сарфланадиган материаллар ресурси замонавий материаллар қўлланиши ҳисобидан 15 фоизга ошган, электровазнинг ҳаво резервуари ҳар қандай иқлим шароитида ундан ишончли фойдаланишга хизмат қилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан харид қилинган янги электровазлар юк ташуви ҳажминини янада кўпайтириш имконини беради. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг республика анжумани бўлиб ўтди.

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ ИҚТИДОРЛИ ИЗДОШЛАРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Тасвирий ойна», Ёзувчилар уюшмалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Бадий академия, «Оила» илмий-амалий маркази, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда депутатлар, сенаторлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Ризаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни буюк аждодларимизга муносиб этиб қамолга етказиш, таълим-тарбия беришга давлат сиёсатининг муҳим йўналишларида бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда қизларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга яқиндан қўмақлашиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, касб-хунар эгаллаш, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланиши йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани мамлакатимизда иқтидорли қизларнинг сафи янада кенгайиши, ижтимоий фаоллиги ошиши, жамият ҳаётида ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти 2000 йилдан буён аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги ҳамда ноёб истеъдоди билан ажралиб турувчи қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун топшириб келинмоқда. Ҳозирга қадар 196 нафар иқтидорли қиз ўшбу нуфузли мукофот билан тақдирланган. Уларнинг кўпчилиги юртимизнинг вазирлик ва идоралари, академиялар, ташкилотлар, илмий-инновацион марказлар, ижодий бирлашмаларда самарали меҳнат қилмоқда. 100 нафардан ортиқ Зулфияхоним издoshi умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртиларида тахсил олмоқда.

(Давом 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашнинг долзарб масалалари мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди.

• Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида «Мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳасининг 2-босқичи доирасида вилоят конференцияси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа асосида барча ҳудудда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологиялари ва ўқув анжомлари билан жиҳозлаш босқичма-босқич амалга ошириллаётгани кайд этилди.

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» қўриқ-танловининг Сурхондарё вилоят босқичи якунланди. Танлов доирасида намунали фаолият юритаётган касаба уюшма кўмиталари иш тажрибасига оид кўргазма ташкил этилди.

• Тошкент вилоятидаги «Бўстон» сыхатгоҳида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чоратadbирлар дастури ижроси доирасида «Келажак овози» ёшлар медиа оромгоҳи ташкил этилди.



• Боливияда истиқомат қилувчи 123 ёшли Карнела Флорес ер сайёрасидаги энг кекса киши сифатида қайд этилди. Титикака кўли ёнидаги тоғли қишлоқда яшовчи Флорес туپроқли пол ва похол томли анъанавий қулбада яшайди, испанча гапира олмайди, ўқиш-ёзишни билмайди. Агар ҳужжатларда унинг туғилган санаси тўғри кўрсатилган бўлса, юқорида таъкидланганидек, у узоқ яшаш бўйича мутлақ жаҳон рекордини ўрнатган кишидир.

• Канадада «Glacier Skywalk» деб номланувчи шиша кўприкни барпо этиш ишлари бошланди. Унда сайёҳлар Жаспер миллий боғидаги қояли тоғлар манзарасини томоша қилишлари мумкин. Фоя муаллифларининг фикрича, кўприк қурилиши миллий боққа келувчи сайёҳларнинг сонини икки бараварга ошириш имконини беради. Кўприкнинг очилиши 2014 йилнинг май ойига мўлжалланган. Иншоот 100 та музлик ва манзарали чўққилар ёнидан ўтувчи «Icefields Parkway» сайёҳлик йўналишида жойлашади.

• Украинанинг Инсон экологияси институти олимлари гаройиб ҳулосага келишди. Гап шундаки, ишлаётган компьютердан таралаётган электр магнит нурланиш сувнинг тузилмасини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин экан. Яъни, ишлаб турган компьютер қаршида чой, қахва ва сув ичишни хуш кўрадиганларнинг келгусида альягеймер, паркинсон ва онкологик касалликларга чалинишларининг эҳтимоли катта.

Байрамга қизгин тайёргарлик

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН!


Бутун мамлакатимиз, эл-юртимиз қутлуғ тўй арафасида турибди. Ўтаётган ҳар бир кун барчамизни Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги нишонланадиган сангага тобора яқинлаштирмоқда.

Халқимиз азал-азалдан ҳар қандай байрамни муносиб қутиб олиш анъанасига амал қилиб келади. Жорий йилнинг 24-25 август кунлари ҳам умумхалқ хайрия ҳашари бутун республикамиз каби шаҳримизда ҳам қўтаринки рўйда, уюшқоқлик билан ўтди.

Ҳамшаҳарларимиз эрта тонгдан ўзлари истиқомат қилаётган турар жой атрофини, маҳаллаларини ободонлаштириш, орасталашни мақсад қилган ҳолда ҳашарда иштирок этдилар. Ҳашар давомида корхона ва ташкилотлар, истироҳат боғлари, маҳаллалар ҳудудларида, кўп қаватли бинолар ва ҳовиллар атрофида, йўл ва йўлақлар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, лотоклар, оқава сув йўллари ҳамда болалар

майдончаларида кенг қамровли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилди. Умумхалқ хайрия ҳашарида пойтахтимиздан 1,1 млн.га яқин аҳоли ва ёшлар қатнашдилар. 1174,2 гектар майдон ободонлаштирилиб, 1607 тонна қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва махсус жойларга чиқариб ташлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳашар давомида 883,2 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 62 та қабристон ва 20 та зиёратгоҳларда ободонлаштириш, тартибга келтириш ишлари бажарилди, 194257 та дарактларга шакл берилди ва оқланди. Умумхалқ хайрия ҳашарига 937 та техника воситалари жалб этилди.



Ҳашар давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Жумладан, ногиронларга, ёлғиз қарияларга, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларга, кам таъминланган кўп болали оилаларга ҳомилар ва Фонд бўлинмалари томонидан хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, ҳамшаҳарларимиз «Ободонлаштириш ва тозалаш ойлиги»да 24 – 25 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этишди. Ўшбу байрамолди хайрия тадбирида ёши улуг инсонларнинг ёшлар билан ҳамжиҳатликда сай-ҳаракатларини амалга оширишгани қувонарли ҳолдир. Бу албатта келгуси авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва меҳроқибат туйғуларини шакллантириши шубҳасиз.

ЖОЙЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

«Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари Сергели бозори»да маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари, санъаткорлар, бозор ишчи-ҳодимлари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирок этишди.

— «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шioriнинг ўзи ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро қалбида тоғдек гурур уйғотади, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг Сергели тумани бўлими раҳбари Баҳодир Хайитматов. — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида халқимиз таърифидаги энг ёрқин дамларни, ўтган йиллар залворини сарҳисоб қилиш ҳар биримизга чексиз гурур,

завқ-шавқ бағишлайди. Ўтган йилларнинг ҳар бир куни йилларга, йили асрларга тенг бўлди дея баралла айта оламиз. Зеро, тарих учун лаҳзага тенг шу йиллар мобайнида мамлакатимиз бекиёс юксалишларга эришдики, буни нафақат ўзимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Кўтаринки руҳда ўтган байрам тадбирида ёзувчи ва олимлар Ватанимизнинг тарихий тараққиёт йўли ҳақида тўхталиб ўтишган бўлса, шоирлар ўз ижодлариға мансуб Ватан, ота-она, меҳр-муҳаббат ҳақидаги шеърларини ўқидилар. Ёш созанда ва хонадалар шўх-шодон куй-қўшиқлари билан йилгиларни ҳушнуд этишди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат



Мамлакатимизнинг барқарор ривожланишиға хизмат қилаётган инновацион иштироқларға бағишланган илмий-амалий анжуман икки кун давомида Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Гидрометеорология хизмати маркази, «Экосан» жамғармаси, Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, етук олимлар, фермерлар, ёш тадқиқотчилар иштирок қилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, барқарор ривожланишға хизмат қилаётган соф технологияларнинг ишлаб чиқаришға самарадорлик билан татбиқ этилаётгани ўзининг самарасини бераётганини таъкидлаб ўтдилар.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришға татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар ярмаркалари, минитехнологиялар намоишиға доир анжуманлар бу борадаги ишларнинг тизимли ташкил этилишиға хизмат қилади. Натижада экологик муҳитни асраш, муҳофазалашға оид лойиҳалар сонини кўпайиб бормоқда. Кашфётчиларимиз томонидан яратилган тўртта ишланма БМТнинг халқаро wokat дастури рўйхатиға олин-

Билимлар ярмаркаси — 2013

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

гани ва уларнинг дунё микёсида оммалаштиришға тавсия этилган мамлакатимиз илм-фан салоҳиятини нечоғли катта эканини исботлаб берди.

Юртимизда илм-фан соҳасини жаҳон андозаларига мос тарзда ривожлантириш, янги технологияларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, фан ва амалиёт ўйғунлигини янада кенгайтиришнинг замонавий тизими яратилган. Бунини Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастури доирасида амалга татбиқ этилаётган лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Энергия ишлаб чиқарадиган минитехнологиялар, ер унумдорлигини оширадиган, сувни тежайдиган, биохилма-хилликни асрашға қаратилган технологиялардан турли соҳаларда фойдаланилаётгани табиий мувозанатни асраш ва иқтисодий ривожланишға хизмат қилмоқда.

— Анжуманни ўтказишдан мақсад мамлакатимизда инновацион технологиялар, табиий ресурслардан оқилона ва биохилмахиллик хизматларидан барқарор фойдаланиш ҳақидаги маълумот ва билимларни мутахассисларға етказиб беришдан иборат, — дейди Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастурининг жа-

моатчилик алоқалари бўйича ҳодими Мақсад Бауетдинов. Анжуман қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва шу йўналишда фаолият олиб бораётган мутасадди ҳодимларнинг тажриба ва билимларини янада мустаҳкамлаш, табиий ресурслар ва технологиялар ҳақидаги маълумотларини оширишға муҳим хисса қўшади.

Тадбир давомида иштирокчилар ва фермерлар керакли тажриба ва билимларға эга бўлдилар. Шу билан бирга қатор илмий янгиликлар билан танишишди. Бу эса яқин келажакда ўз самарасини беришиға шубҳа йўқ.

Анжуман доирасида Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастури доирасида мамлакатимиз илм-фан муассасалари олимлари ва амалиётчилари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган экологик технологиялар ярмаркаси намоиш этилди.

Кўргазмада намоиш этилган деҳқончилик, фитомелиорациянинг янги усуллари, қаналарни изоляциялаш, биогаз олиш технологиялари, томчилатиб сугориш, ўрмонларни асраш, кичик гидростанциялар барпо этишға оид стендлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Халқимизда тил билган — эл билади, деган нақл бор. Дарҳақиқат, тил билган юрт кезади, дунё кўради, жаҳон халқлари маданияти, адабиёти ва бугун рўй бераётган янгиликлардан тез ва аниқ хабардор бўлади.

Қарор ва ижро

ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, ахборот-коммуникация технологияларини, замонавий касб-хунарларни пухта ўзлаштириши, хорижий тилларни ўрганиши учун барча имконият яратилган. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юз минглаб ўғил-қизларимиз муайян мутахассислик бўйича таълим олиш билан бирга, чет тилларини ҳам пухта ўрганмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори биллими, зукко йиғит-қизлар сафини кенгайтириш, уларнинг хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Қарор мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларға ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилдан бошлаб нафақат дарс соатлари, балки ўқув дарсликлари ҳам кўпайтирилмоқда. Жумладан, чет тиллар бўйича янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилган.

Чет тилларни 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича ўқув режаси ҳам тасдиқланган. Унга кўра, 1-4-синфларда ҳафтаига 2 соатдан чет тили фани ўқитилади. Давлат таълим стандартлари асосида 1-9-синфлар учун инглиз, немис ва француз тилларидан ўқув дастурлари яратилган.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида 1-синфлар учун инглиз тилидан («Kid's english»), немис тилидан («Deutsch macht spab») ва француз тилидан («Hirondelle») дарслик мажмуалари яратилди. Мажмуалар ўқувчи китоби, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедияли иловалар (DVD-диск)дан иборат.

1-синф ўқувчилари учун дарслик мажмуалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятда белгиланган таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказилиб, тақдирлар ҳамда халқаро экспертлар фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилган ҳолда нашр этилди.

2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг таълим воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни жадаллаштириш дастуриға асосан жорий йилда 2457 бошланғич синфини замонавий компьютерлар, 17222 бошланғич синфини DVD-

магнитол мажмуаси ва ўқув-кўргазмали қуроллари, 200 мактабни интерфаол электрон доскаси билан таъминлаш белгиланган. 2013-2016 йилларда 17222 бошланғич синфлар ва 8735 юқори синфлар тегишли жиҳозлар билан таъминланади.

Албатта, фаолият қанчалик кенгайса, малакали кадрларға эҳтиёж шунча ортиб боради. Шу маънода, халқ таълими тизимида ҳам ўқувчиларға чет тилларнинг чуқур ўқитилиши учун маҳоратли, билимли ва тажрибали педагоглар керак бўлади. Бу борада тизимда муайян ишлар бажарилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Мисол учун, Британия Кенгаши, Франция ва Германия элчихоналари ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги умумтаълим мактабларидан 160 нафар инглиз тили, 45 нафар немис тили, 40 нафар француз тили ўқитувчиси саралаб олинди ҳамда олий таълим муассасаларида малакаси оширилиб, махсус сертификатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 апрелдаги қарори билан чет тили ўқитувчиларининг ойлик тариф ставкаларига қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўлашни кўзда тутадиган ўзгаришлар киритилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 майдаги «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан мазкур олий ўқув даргоҳи базавий таълим ва илмий-методик муассаса этиб белгиланди.

«Yoshlar» телерадиоканалида «Bolajon» болалар рақамли телеканали ташкил этилди. Бу болалар жонларға инглиз тилини ўргатишда муҳим аҳамият касб этаётди. Ўшбу телеканалда ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу ғояларни тарғиб этувчи, ёшларни билим ўрганишға, аниққаса, чет тилиға бўлган қизиқишини ошириш мақсадидаги кўрсатув ва теледастурлар, мультфильм ва бадиий фильмлар намоиш этилмоқда.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Киши ҳамкорлик алоқалари орқали билганини ўрганади, билганини ўргатади. Халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши эса чет эл тажрибаларини ўрганиш ва ўзимизда жорий этишда муҳим аҳамиятға эга.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ўқувчиларға чет тилини ўргатиш ҳамда уларнинг билим ва кўникмасини ошириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Келажакни ўйлаб, болаларимизнинг ҳар томонлама билимли, чет тилларни пухта эгаллаган ва жаҳонда ўз сўзи, ўз ўрниға эга авлод бўлиши йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар албатта ўзининг юксак натижасини беради.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ ИҚТИДОРЛИ ИЗДОШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тоқли шоиранинг муносиб шоғирдлари иштирокида туркум анжуманлар, давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ўтказилмоқда. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остидаги ушбу тадбирларда истиқлол йилларида хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбға чиқариш, оғирини енгил қилишға оид эзгу саъй-ҳаракатларнинг моҳияти халқимиз, аниққаса, ўқувчи ва талаба қизларға кенг тушунтирилмоқда.

— Зулфияхоним издоши эканимдан беҳад фахрланаман, — дейди Фарғона вилояти Кува туманидаги маиший касб-хунар коллежининг ўқувчиси, акробатика ва енгил атлетика бўйича бир неча халқаро мусобақаларнинг олтин ва кумуш медал соҳибаси Камола Раҳмонова. — Болалигимдан спортға меҳр кўйиб улғайдим. Кўплай халқаро мусобақаларда иштирок этиб, Ўзбекистондек ўз фарзандларини севиб, ардоқлайдиган мамлакат жаҳонда йўқ эканиға амин бўлдим.

Анжуманда қизларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар, истиқболдаги режалар белгиланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОРЛИККА КАТТА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларға мўлжалланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида шахримизнинг барча туманларида тадбиркорлик субъектларининг муаммолари ечимини таъминлашға қаратилган «Тадбиркорлик кўни» тадбирлари ташкил этиб келинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Яккасарой тумани ҳокимлигида бўлиб ўтди. Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда палатанинг Тошкент шаҳар бошқармаси вакиллари, туман солиқ инспекцияси, тижорат банклари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини йўлида кенг имкониятларнинг яратилиши мамлакат иқтисодий салоҳиятиға салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва назорат қилувчи органлар ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг чет эллик шериклар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишларига қўмаклашиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тадбирининг асосий мавзусини ташкил этди. Шунингдек, тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад бугунги кунда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларни шахар ва туман назорат қилувчи органлари томонидан тезкорлик билан ҳал этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришға қўмаклашиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини тушунириш ва уларнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тадбиркорларға маълумотлар беришдан иборатдир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва назорат қилувчи органлар томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда юқоридаги каби тадбирлар тез-тез ташкил этилмоқда. Мамлакатда янги иш ўринларини яратиш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги имкониятлар, аёллар тадбиркорлигиға қаратилаётган катта эътибор, кредитлар ажратиш, илғор технологияларни жалб этиш мавзуларида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Камола МАҲАМЕДОВА

Август кенгашлари

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида «Мафқуравий ҳаётнинг долзарб мавзулари» мавзуида анъанавий Август кенгаши ўтказилди.

Тадбирда Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар прокуратураси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ мутасаддилари, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва руҳшунослар иштирок этдилар.

Кенгаш давомида таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия ишлари самарадорлигини ошириш омиллари, 2012-2013 ўқув йили яқунлари ва кел-

гуси ўқув йилидаги устувор вазифалар, 2013-2014 ўқув йилида «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиларининг олдида турган вазифалар янги ўқув йилида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, диний экстремизм ва миссионерликка қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари ҳақида сўз борди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқ-

лар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, вояға етмаганлар ўртасида тартиббузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик, «оммавий маданият» деб аталмиш маънавий ҳамда ахлоқий тубанлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида манзилли профилактик тадбирларни тизимли амалга оширишдан иборатдир, — дейди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Замира Азимбаева. — Шунингдек, баркамол авлодни тарбиялаш, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини таъминлаш, маърифий-маданий тадбирлар орқали ёш авлод қалби ва онгиға мустақиллик ҳисси, Ватанға муҳаббат ва юртға садоқат туйғуларини янада кенгроқ сингдириш асосий мақсад қилиб олинган.

Тадбир доирасида иштирокчилар Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Кенгаш давомида янги ўқув йилиға тайёргарлик, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, ўқувчилар давоматини яхшилаш, жамоат кенгаши ва маҳалланинг ўрнини янада кучайтириш, ёшларнинг маънавий оламини бойитишда адабиёт ва санъатнинг ўрни каби масалаларға ҳам эътибор қаратилди.

Гулнигор САТТОРОВА



БАТАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(2012 йил)

Ушбу йил — «Мустақам оила йили» бўлди. 27 февралда Президентимизнинг «Мустақам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Давлат дастури амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларини белгилашда: «Оила соғлом экан — жамият мустақам, жамият мустақам экан — мамлакат барқарор», — деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиқилди. Йил давомида мазкур Дастурнинг илҳом ижроси таъминланди.

2012 йил Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари борасида сермазмун йил бўлди. Президент Ислам Каримов жаҳон давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг йигирмадан ортқ расмий вакилларини қабул қилди. Йил давомида «Рақобат тўғрисида» (06.01), «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» (24.04), «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» (26.04), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» (янги тахрири, 02.05) каби янги қонунлар қабул қилинди, шунингдек, кўп қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

14 январда Ватан ҳимоячилари кўни катта байрам қилинди. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

19 январда Ўзбекистон Республикаси Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусида маъруза қилди. Таъкидландики, 2011 йили «мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000 — 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳақида 2,1 баробар ошди». Бу эса мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олганидан далолат беради. Юртбошимиз ўз маърузасида, 2011 йилнинг асосий яқунларини таҳлил қилар экан, мамлакатимизнинг 2012 йилдаги устувор вазифалари ҳақида ҳам батафсил тўхталиди.

20 январда Республика Биналмидал маданият маркази ташкил этилганнинг 20 йиллиги кенг нишонланди. 28 январда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил топганининг 20 йиллиги тантанали равишда нишонланди.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 16 — 17 февраль кунлари Тошкентда халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодини тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўплаган бой тажриба билан кенг таништириш мақсадида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодини тарбиялаш — мамлакатини барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мухассислар қатнашди. Конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислам Каримов «Юксак салоҳиятли авлодини тарбиялаш — энг муқаддас мақсад» мавзусида нутқ сўзлади. Конференциянинг якуний ҳужжати — резолюцияси қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: «Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Қадрлар таълими миллий дастури, деб ном олган Таълим соҳасини ислох қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принциплари асосланган иқтисодий ва сийсий ислохотларнинг Ўзбекистон талланган «Ўзбек модели»нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди».

БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеясининг февраль ойида қайта бошланган 66-сессияси расмий ҳужжати сифатида «Ўзбекистон Республикасининг муштарик йилларидаги иқтисодий ва иқтисодий тараққиётнинг асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2012 — 2015 йиллар учун прогнозлар» номли ахборот материални тарқатилди.

Бельгияда чиқадиган оммабоп «La gazette Diplomatique» журнали сонларида берида Бельгия Дипломатия клуби бош котиби Леон Вегнезинг «Ўзбекистон: бозор иқтисодиёти ўтишининг раво йўли» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда, жумладан, Инкирозга қарши чоралар дастури тўғрисида Ўзбекистон иқтисодиёти бутун дунёда содир бўлган глобал молиявий-иқтисодий инкирозга муваффақиятли тарзда қарши тура олгани қайд этилди.

27 мартда Тошкентда «Uzbekistan Industrial Forum — 2012» III Халқаро саноат форуми иш бошлади.

2 апрель куні Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Апрель ойининг бошида Тошкентда бешинчи халқаро инвестициявий-молиявий форум бўлиб ўтди.

10 апрелда Президентимизнинг «Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4435-сон Фармони имзоланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига айлантирилди.

10 апрелда Президентимизнинг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 13 апрелда эса «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги Фармонлари қабул қилинди.

3 — 5 май кунлари Президентимиз ташаббуси билан асос солинган бешинчи Республика инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилди. Май ойининг биринчи декадасида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доира-сида қишлоқ ва сув ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникация комплекслари корхоналарининг кўргазмаси ўтказилди.

11 май куні Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиде Республика Маънавият ва маърифат

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Мажлисида миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини, Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобларини, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ўқиб-ўрганиш бўйича амалга оширилаётган илмий-маърифий тадбирлар маънавий ҳаётимизни юксалтиришда бекиб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида кўплаб халқаро спорт турнирларига медаллар қилди. Жумладан, май ойининг иккинчи декадасида Тошкентда бадний гимнастика бўйича Жаҳон кубоги ҳамда «Harry Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди. 23 — 25 май кунлари Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинлари республика босқичи ўтказилди.

28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус,



ларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2011.19.01)ги қарорлари мамлакатимизда бу соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. 28 сентябрда «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Юртбошимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади. У, жумладан: «Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришидик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдирди, десам, адашмаган бўламиз», — деди.

6 — 7 сентябрь кунлари Президент Ислам Каримов расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 11 сентябрда қабул қилинган қонуни асосида «Мардик» ордени тасвир этилди.

12 — 14 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги

«Маърифат маркази» мажмуасининг симпозиумлар саройида Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда иқтисодий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Халқаро форумнинг очилишида Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади. Иштирокчилар мамлакатимизда кичик бизнес ва кичик тадбиркорликка берилаётган эътибор ва ғам-хўрлик таҳсинга сазовор эканини қайд этишди.

19 — 21 сентябрь кунлари Президентимиз Ислам Каримов давлат ташриф билан Корея Республикасида, расмий ташриф билан 1 — 2 октябрь кунлари Туркменистонда, 11 — 12 октябрь кунлари эса Озарбойжон Республикасида бўлди.

20 сентябрь куні Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Конституциявий ва ҳуқуқий масалалар қўмитаси раиси Мирослав Антил раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига бўлди...

3 октябрда Тошкентда «Ўзбекистонда конституциявий қурилиш тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Октябрь ойи ўзбек футболининг дунёга донг таратишида алоҳида саҳифа очди. Эронда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси голибликни қўлга киритди. Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Калининград шаҳрида ўтказилган X жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси голиб чиқди.

22 октябрда Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. 14 ноябрда эса Тошкентда Ўзбекистон фермерлари кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

19 ноябрда эса Тошкентда «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг миллий модели: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

7 декабр куні «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» мавзусида маъруза қилди.

10 декабрда Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (17.12), «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида» (20.12), «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» (янги тахрири, 24.12), «Теакор қидирув фаолияти тўғрисида» (25.12)ги қонунлари қабул қилинди.

27 декабрда пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида барпо этилган кўп қаватли уйларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Урни келгани учун шунини эслатиб ўтиш керакки, 2012 йили Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журнали бўлинимаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилган. Бу рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари ва маданият муассасаларининг ривожланганлиги, атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси, яшил эканзорлар майдони, ҳавонинг сифати, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос об'ектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезон ва кўрсаткичлар асосида тузилган. Шу кўрсаткичлар бўйича дунёнинг 140 шаҳри ўртасида ўтказилган танловда Тошкентимиз 58-ўринни эгаллаб, Вашингтон, Амстердам, Сидней, Берлин, Париж каби йирик шаҳарлар қаторидан ўрин олди.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш миллий мафкурамининг бош ғояси ҳисобланади. 2012 йил, шубҳасиз, халқимиз ана шу эзгу мақсад йўлида амалга оширган сазй-ҳаракатларнинг алоҳида бир саҳифаси бўлди ва у «Обод турмуш йили»га уланади кетди.

Олим МАҲМУДОВ
(Келгуси сонда 2013 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаракатда гап кўп.

Бор мақтанса ярашар,
Йўқ мақтанса адашар.

Ўзи йўқнинг кўзи йўқ.

Кўнимини йўқ кишининг
Унуми йўқ ишининг.

Ноҳақ уриб енгади.

Донога — ишора, нодонга
— танбеҳ.

Оқилликнинг чегараси
бор, лекин аҳмоқлик
чегара билмайди.

Ножўя хатти-ҳаракат
ҳамиша ташвиш олиб
келади.

Одамни ўзгалардан кўра
ўзи кўпроқ қийнайди.

Кимнинг ақли кирар кеч,
Кимнинг ақли кирмас
ҳеч.

Ким куяди, ким кулади.

Бедорлик — ҳушёрлик.

Ёш билаги билан кўтара-
ди, кекса ақли билан.

Ўзига ишонч кишига куч
бағишлайди.

Бировдан эмас, ўзингдан
гина қил.

Фақат нодонгина ҳамма
нарсани биламан деб
ўйлайди.

Уйку — бекорчининг
дўсти.

Ўзингни минг тийиб яша-
ма, кимлигинг барибир
бир кун ошкор бўлади.



Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотига кўра,
27 августда Тош-
кент шаҳри об-ҳаво
шароити шаҳар ҳаво

Тошкент шаҳрида
27 август куні ҳаво бир
оз ўзгариб туради, ёнгар-
чи бўлмайди. Шарқдан
секундига 3-8 метр тезлик-
да шамол эсади. Ҳарорат
кечаси — 18-20, кундузи —
35-37 даража иссиқ бўлади.

муҳитида зарарли модда-
ларнинг бир оз йиғилиши-
га имконият яратади.
Атмосферанинг ифлосла-
ниш даражаси 1-3 фоз
кўпайиши тахмин қилин-
моқда, тағмиқдори наст
бўлади.

